

## «МУҲАББАТ» КОНЦЕПТИНИНГ ДЕНОТАТИВ МАҶНОЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Казахбаева Азиза

Қорақалпоқ давлат университети

### Аннотация

Ушбу мақолада «Мұхаббат» концептининг қорақалпоқ, ўзбек, рус ва инглиз тиллари луғатлардаги денотатив маънолари таҳлил қилинган. Натижада лексемаларнинг қорақалпоқ, ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги маъноларини жадвал тарзида ишлаб чиқилди.

**Калит сўзлар:** концепт, ишқ, тўйғу, мұхаббат, лексема, денотатив, коннататив, синоним.

### КИРИШ

Мұхаббат - қандайdir шахсқа ёки шахслар гурухига, тояга ёки амалий лаёқатлилигiga нисбатан пинҳоний ва қучли ҳис тўйғу бўлиб ҳисобланади ва у шахс сийратининг мустақил ва эркин ифодаси сифатида юзага келади. Мұхаббат тўйғусининг улуғворлиги ва мураккаблиги шунда, унда биологик ва маънавий, яккалик ва ижтимоий, интим ва умумий вазиятлар бамисоли битта нуқтага тупланади [15].

### АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Тадқиқотимиз обьекти сифатида «Мұхаббат» концептининг қорақалпоқ, ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги лугавий дефиницияларини таҳлил қилишда «Қорақалпоқ тилининг изоҳли лўғати», «Русско-каракалпакский словарь», «Туркий тилларининг этимологик лўғати», ва Мэриэм Вебстер ва Роже Тезауруслари каби лўғатлардан кенгдан фойдаланилди.

Махмуд Қашғари «Диван Лугат ат-Турк» сўзлигига (XI аср) «муҳаббат» лексемасининг ўрнига «иссиқлик» лексемаси **سکاك** «муҳаббат», «мулоқот», куңул ~ исиқлик карәк «юракда муҳаббат ўти ёниши» деган маъносида берилган [1]. «Мұхаббат» лексемаси XII асрда турк тилига араб тилидан кириб келиб, М.И.Махмутовнинг «Араб-татар-рус тили лўғати»да «муҳаббат» лексемаса татар тилида *сөю, сөешү, гыйышық* лексемалари билан келтирилган [2]. Бошқа туркий тилларда эса «муҳаббат» лексемаси: қозоқ тилида – *сүйіспеншілік, махаббат*,

гашық [4]; қирғиз тилида – *ашиқтық, сүйүү, махаббат* [5]; қарачай-болгар тилида – *сюймеклик, сюйюу* [6]; қумиқ тилида – *сюю, гъашыкълыкъ* [7]; турк тилида – *sevgi, aşk, sevi* [8]; башқорт тилида – *яратыу, һөйөү, мөхәббәт, гишиқ* [9].

## НАТИЙЖАЛАР

Н.А.Басқаковнинг «Рус-қорақалпоқ тиллари лўғати»да «муҳаббат» лексемаси қўйидагича келтирилган: муҳаббат – бу «любить» жақсы көриў лексемаси билан берилган бўлиб,

1) биреўди – бир затты *сүйиў, жақсы көриў, жақтырыў, унатыў*: ~ мать анасын сўйиў; ~ детей балаларды сўйиў; ~ родину ўатанды сўйиў;

2) бир затقا бийимлилиги болыў – *сүйиў, қызығыў, инталы болыў*: ~ музыку – музыканы сўйиў; ~ путешёствовать – саяхат етиўди сўйиў;

3) биреўге/бир затقا зэрўрлилик сезиў – *жақсы көриў, қәлеў, жақтырыў*: цветы любят воду – гўллер суўды жақсы көреди [10].

Ш. Рахматуллаевнинг «Ўзбек тилининг этимологик лугати»да «Муҳаббат» лексемасига қўйидагича таъриф берилган: **Муҳаббат** – бу арабча сўз **muhabbat (un)** шаклига эга; ўзбек тилига хойи хутти товушини ҳ товушига алмаштирилиб қабул қилинган; **muhabbat(un) - муҳаббат**. Бу сўз асли ‘севди’, ‘кўнгил берди’ маъносини англатувчи **habba** феълининг II боб шакли **habbaba** сўзидан ҳосил қилинган мажхул нисбат сифатдоши бўлиб ‘севги’ маъносини англатади [3; 307].

Ундан ташқари ушбу лўғатда «Муҳаббат» лексемасининг «ишқ», «махбуб/махбуба», «ошиб» лексемалари маънолари ҳам келтирилган. **Ишқ** - бу арабча сўз **ъisq (un)** шаклига эга; ўзбек тилига қасрали **айн** товушини **и** товушига алмаштирилиб қабул қилинган: **ъisq - ишқ**. Бу сўз ‘севди’ маъносини англатувчи **ъasiqa** феълидан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб, ‘севги’, ‘кучли мойиллик’ маъноларини англатади [3; 187].

«Қорақалпоқ тилининг изоҳли лўғати»да «Муҳаббат» концептининг «муҳаббат» от лексемасининг қўйидагича синонимлари келтирилган: **Ашиқ, сўйиў, муҳаббат** [11; 15]; **Ашиқлық, сўйиўшилик** [11; 16]; **Муҳаббат – Сўйиўшилик, унатыўшилық.** [13; 323]; **Ышқы – Адамның бир нэрсеге деген сүйиспенишилик сезими, муҳаббаты.** [14; 581]; **Ышқы-муҳаббат – Ашиқлық, сўйиўшилик** [14; 581].

Қорақалпоқ тилидаги «муҳаббат» феъл-лексемасининг ҳам қўп синонимлик қатори мавжудлигини кўришимиз мумкин: **Жақсы көриў** - *сүйиў*, қәлеў, унатыў [11; 161]; **Ышқы оты лаўлаў** – *муҳаббаты, сүйиўшилиги артыў*, *кушайиў*, *зорайиў*. Мәселен: [14; 581]; **Унаў** – *жасы көриў*, қәлеў, жасыў, жасыныў. [14; 387]; **Сўйиў** – 1) *Жақсы көриў*, *унатыў*, қәлеў. 2) *Жақсы көрип ерни тийгизиў*, *өбиў* [14; 229]; **Ышқы зарын шегиў** – *муҳаббаттың азабын, қыйынишылығын көриў* [14; 581]; **Ышқы кетиў** – *кеўили кетиў*, *жасы көриў*, *сўйип қалыў* [14; 581]; **Жақтырыў** – 1) *жасыў 1 фейилиниң өзгелик дәрежеси*; 2) *унатыў*, *жаратыў*, қәлеў [12; 161]; **Ықлас төгиў** – *кеўил қойыў*, *кеўил аўдарыў*, *йошлиныў* [14; 573].

«Муҳаббат» (Love) концептининг инглиз тилидаги дефинициясини таҳлил қилиш орқали, биз қўйидагича маъноларини аниқладик:

- 1) *feeling of deep affection towards someone* (кимгадур чукур яқинлик тўйғуси);
- 2) *sexual passion or desire* (жинсий кучли тўйғу, ҳоҳлаш);
- 3) *a person, a thing or an activity that you like very much* (жуда ёқадиган инсон, нарса ёки ҳунар);
- 4) *strong feeling of liking and caring for somebody/something* (кучли ёқтириш тўйғуси ва кимдур ёки нимадур ҳаққида ташвишланиш);
- 5) *sexual intercourse* (жинсий алоқа).

Концептнинг ядросини аниқлаш учун Роже Тезаурусига диққат қаратамиз (Roget's Thesaurus) ва қўйидагича маъноларини келтириб ўтамиз: *affection, fondness, tenderness, attachment, devotion, rapture, infatuation, adoration, admiration, adulation, predilection, sympathy, liking, attraction, weakness, preference, fancy, regard, passion, delight, enjoyment, pleasure* (яқинлик, меҳир, мулойимлилік, яхши кўриш, содиқлик, завқ, қизиқиш, тан бериш, нозиклик, мақтов, ҳавас, ҳамдартлик, ёқтириш, интилиш, ожизлик, афзаллик, фантазия, диққат, кучли сезим, завқланиш, лаззат) [16].

## МУҲОКАМА

Таҳлилимиз натижасида «Муҳаббат» концептининг лўғавий лексемаларини қорақалпоқ, ўзбек, рус ва инглиз тилларида маъноларини қўйидагича жадвал тарзида ишлаб чиқдиқ. Ушбу жадвалдаги «муҳаббат» концепти лексемаларининг асоси сифатида қорақолпоқ тилидаги маънолари

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 4.9 / 2023

олиниб, уларни ўзбек, рус ва инглиз тиллариiga таржима қилиш орқали ишлаб чиқилди (жадвал 1).

Жадвал 1.

**«Мұхаббат» концептининг лўғавий лексемаларини қорақалпоқ, ўзбек, рус ва инглиз тилларидағи маънолари**

№	Қорақалпоқ	Ўзбек	Рус	Инглиз
1	<b>Ашық</b>	Ошиқ	Влюбленный	Lover
2	<b>Сўйиў</b>	Севиш	Любить	To love
3	<b>Мұхаббат</b>	Мұхаббат	Любовь	Love
4	<b>Ашықлық</b>	Ошиқлик	Увлечение	Love
5	<b>Сўйиўшилик</b>	Севиш	Любить	To love
6	<b>Ышқы</b>	Ишқ	Чувство	Passion
7	<b>Ышқы-мұхаббат</b>	Ишқ-мұхаббат	Страсть	Affection
8	<b>Жақсы көриў</b>	Яхши кўриш	Любить	To fall in love
9	<b>Ышқы отылаўлаў</b>	Ишқ ўти	Пылать любовью	Ardor
10	<b>Унаў</b>	Ёқтириш	Нравиться	Liking
11	<b>Ышқы зарын шегиў</b>	Ишқ	Страстно любить	Passion
12	<b>Ышқы кетиў</b>	Кучли мойиллик	Сильное влечение	To fall in love
13	<b>Жақтырыў</b>	Ёқтириш	Нравиться	Liking
14	<b>Ықлас төгиў</b>	Иҳлос	Любоваться	To fall in love

### ХУЛОСА

Тадқиқот давомида типологик жиҳатдан ҳар хил тузулишга эга бўлган қорақалпоқ, ўзбек, рус ва инглиз тилларидағи «Мұхаббат» концептининг лўғавий маъноларини умумийлаштириб, қўйидагича ҳулоса қилинди:

- аглютинатив тиллар қаторига кирувчи қорақалпоқ тилидаги лўғатларни таҳлил қилиш орқали, «Мұхаббат» концептининг бир қатор синонимлари

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 4.9 / 2023

аниқланди: от - ашиқ, сүйиү, муҳаббат, сүйиүшилик, ашиқлық, ышқы-муҳаббат, садықлық; феъл - жақсы көриү, сүйип қалыў, ашиқ болыў, ҳәдүеслениў, жақтырыў, ықласланыў, қәлеў, жаратыў, ва бошқалар.

- тадқиқ қилинаётган инглиз тил манзарасида «Муҳаббат» (Love) лексемасининг синонимлик қаторини ўрганиш орқали базибир лексемалар бошқаларига қараганда кўпроқ учрашади: «passion», «adore», «revere», «favor», «fond», «idolize», «relish», «admire», «appreciate», «cherish», «dote (on)», «esteem», «fancy», «like», «prefer», «worship».

- Ушбу концепт жуда ҳам мураккаб тузилишга эга бўлиб, уни тўлиқ тушуниш учун фақат гина денотатив яъни лўғавий маъносини ўрганиш етарли эмас балки унинг коннататив маъноларини ҳам аниқлаш зарурати борлиги аниқланди.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- a) Кашгари М. Диван Лугат ат-Турк / перевод З.А. Ауезовой. – Алматы: Дайк-Пресс, 2005. – С. 179.
- b) Махмутов М.И. Арабско-татарско-русский словарь: в 3 т. Т. 1. / М.И.Махмутов, К.З.Хамзин, Г.Ш.Сайфуллин. – Казань: Иман, 1993. – С. 339.
- c) Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик лӯғати. - Тошкент, «Университет», 2003.
- d) Русско-казахский словарь / под ред. Г.Г. Мусабаева: в 2 т. Т. 1. – Алма-Ата: Гл. ред. Казахской советской энциклопедии, 1978. – С. 346.
- e) Русско-киргизский словарь / под ред. К.К. Юдахина. – М.: Гос. изд-во иностр. и нац. словарей, 1957. – С. 335.
- f) Русско-карачаево-балкарский словарь / под ред. Х.И.Суюнчева и И.Х. Урусланова. – М.: Советская энциклопедия, 1965. – С. 26.
- g) Русско-кумыкский словарь / под ред. З.З.Бамматова. – М.: Гос. изд-во иностр. и нац. словарей, 1960. – С. 387.
- h) Русско-турецкий словарь / сост. В.Г.Щербинин. – М.: Русский язык, 1989. – С. 679.
- i) Русско-башкирский словарь / отв. ред. К.З.Ахмеров. – М.: Советская энциклопедия, 1964. – С. 365.
- j) Русско-каракалпакский словарь/ отв.ред. Н.А.Баскаков. – М.: Советская энциклопедия, 1967. – 1124 с.

ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 4.9 / 2023

- k) «Қарақалпақ тилиниң түсіндірме сөзлиги» I том. Нөкис. Қарақалпақстан. 1982. – Б. 15.
- l) «Қарақалпақ тилиниң түсіндірме сөзлиги» II том. Нөкис. Қарақалпақстан. 1984. – Б. 42.
- m) «Қарақалпақ тилиниң түсіндірме сөзлиги» III том. Нөкис. Қарақалпақстан. 1988. – Б. 323.
- n) «Қарақалпақ тилиниң түсіндірме сөзлиги» IV том. Нөкис. Қарақалпақстан. 1992. – 636 б.
- o) Өзбекстан Миллий энциклопедиясы. – 907 б.
- p) Roget's Super Thesaurus, 4th Edition. Marc McCutcheon. Writer's Digest Books. 2010.
- q) Nizamaddinovna S. A. Specific Expression of the Concept "Love" at the Level of Lexical Units //Journal of Ethics and Diversity in International Communication. – 2021. – Т. 1. – №. 5. – С. 49-53.
- r) Sadullaeva A. THE CONCEPT OF "LOVE" IN THE NOVEL "TERBENBES" //Science and Innovation. – 2022. – Т. 1. – №. 8. – С. 1957-1961.